ко П

# ШАРТНОМА № 5

**Бешкент шахри** 20 22 йил " 12 " декабр

**Карши туман Тиббиет бирлашмаси** номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ **М.Мирсаидова** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва **«Мурод Мед Стар» хусусий корхонаси** номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари **Назаров М.М.** кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўгрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини мижозларнинг **лабаратория хизматларини** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли худудларда муайян белгиланган манзилли бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил " 12 " декабр дан.

2022 йил " 31 " декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблаглари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва шартнома бекор килинган холатларда барча жихозларни аутсорсер томонидан кайтариб олиниши;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан 10 банк иш куни ичида шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш хамда хар бир кечиккан тулов куни учун буюрмачи 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

Сканировано с CamScanner

2.1.7.Аутсорсер томонидан ишчи ходимлар штатлар жадвалига узгартиришлар киритиш, малакали ходимларни ишга ёллаш ёки вазифасидан озод этиш, мехнат шартномаларини имзолаш ва конунчиликда белгиланган тартибда бекор килиш.

2.1.8. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуклар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда жихозларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, фойдаланган коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат мухофазаси ҳамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқданганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-аҳлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.10. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.11. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.12. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.13. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.14. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни уз хисобидан ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.15. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

Сканировано с CamScanner

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 1 ой олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Шартномада белгиланган хизматлар сони хамда нархида узгаришлар юзага келган холатларда аутсорсер томонидан берилган таклифларни 10 кун ичида икки томон келишуви асосида урганиб чикиш хамда шартномага тегишли узгартиришлар киритиш.

2.4.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **68 700 000** (Олтмиш саккиз миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи микдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

3.4. Буюрмачи томонидан кечиктирилган хар тулов куни учун 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги хамда шартнома бекор булган холатларда ушбу мажбуриятдан озод килинмаслиги керак.

3.5. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

2.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

Сканировано с CamScanner

4.1. Аутсорсер томонидан лабаратория хизматларини олиб боришда, санитария қоидалари ва меъёрлари талабларини бажарилиши ҳолатининг кунлик назоратини олиб бориш буюртмачининг тегишли масъул ходимлари зиммасига юкланади.

4.2. Аутсорсинг хизматларини мониторинг қилиш буюртмачи томонидан шартномада белгиланган шартларга кура амалга оширилади.

4.3. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг тегишли бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

4.4. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.5. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.6. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.7. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга, носоз холга келиб колган кисмларини капитал таъмирлаб бериш хамда буюртмачи томонидан ижарага берилган асбоб-ускуналар, инвенторларни эскиришини инобатга олган холда янгилаб беришига (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.8. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда иктисодий судга кўриб чиқиш учун берилади.

## VI. Форс-мажор ҳолатлар

Сканировано с CamScanner

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

| "Аутсорсер" | "Буюртмачи" |
|---|---|
| ЧП «Мурод Мед Стар»<br><br>**Адрес: Г.Карши И. Каримов 238 А**<br><br>**Р/С** 20208000003953l3001<br><br>в ЧОАКБ «Ипотека»<br><br>**МФО:** 00190 **ИНН:** 303066484,<br><br>**ОКОНХ:** 86900<br><br>**Директор:**<br><br>______________ Назаров М.М | Карши туман тиббиет бирлашмаси<br><br>Карши туман Бешкент шахри С.Насафий № 99<br><br>Шх/р: 100022860102247072120054009<br><br>ИНН 200688468<br><br>Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги<br><br>х/р: 23402000300100001010<br><br>Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси<br><br>МФО: 00014 ИНН: 201122919<br><br>Раҳбар: ______________ М.Мирсаидова |

Сканировано с CamScanner

Мазкур илова Карши туман Тиббиёт бирлашмаси
ва ЧП MUROD MED STAR уртасида тузилган
12.12 декабр 2022 йилдаги № 5 сонли
шартноманинг ажралмас кисми булиб хисобланади

# СПЕЦИФИКАЦИЯ

Сотувчи : ЧП MUROD MED STAR
________________________________
Адерс: Карши шахар И.Каримов куча №238 а уй
Телефон:__970700003____
Рас/счёт_20208000000395313001_
Банк: АИТБ Ипотека банк Карши филиали
ИНН:_303066484__ ОКОНХ: __ МФО 00190
Рахбар: М.Назаров

Харидор: Карши туман тиббиет бирлашмаси
Адерс: Карши туман Бешкент шахри С.Насафий № 99
Телефон:________________________________
Рас/счёт_10002286010224707212005400_9_
Банк: Марказий банк Тошкент шахри__МФО 00014_
ИНН_200688468___ ОКОНХ_91511__
Газначилик булинмаси номи: Уз.Рес.Молия вазирлиги Газначилиги
Газна х/в: 23402000300100001010
Банк: Марказий банк Тошкент шахри__МФО 00014_
ИНН_201122919__
Рахбар: М.Мирсаидова

| № | Тахлиллар номи | У/Б | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Умумий кон тахлили кенгайтирилган | дона | 3200 | 7755 | 24816000 |
| 2 | Диастаза | дона | 100 | 7230 | 723000 |
| 3 | Глюкоза | дона | 210 | 7600 | 1596000 |
| 4 | Мочевина | дона | 400 | 7650 | 3060000 |
| 5 | Креатинин | дона | 400 | 7700 | 3080000 |
| 6 | Умумий Оксил | дона | 100 | 8110 | 811000 |
| 7 | Аланин амшютрансфераза (АЛТ) | дона | 400 | 7450,00 | 2980000 |
| 8 | Аспартат аминотрансфераза (АСТ) | дона | 400 | 7450 | 2980000 |
| 9 | Холестерин | дона | 97 | 9140 | 886580 |
| 10 | Билирубин | дона | 150 | 9650 | 1447500 |
| 11 | Ревмапроба тахлили | дона | 205 | 7250 | 1486250 |
| 12 | Сийдик. Умумий сийдик тахлили (сийдик чукмаси микроскопияси) | дона | 3200 | 7345 | 23504000 |
| 13 | Нажас тахлили | дона | 80 | 7200 | 576000 |
| 14 | Кин суртмаси микроскопияси | дона | 50 | 6500 | 325000 |
| 15 | Албумин | дона | 60 | 7144,5 | 428670 |
| | ЖАМИ | | | | 68700000 |

ЧП MUROD MED STAR
рахбар__________М.Назаров

Карши туман Тиббиёт бирлашмаси
рахбар__________ М.Мирсаидова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI QARSHI TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI S.S.V. S.S.B

Сканировано с CamScanner

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

TL7880857583

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **Karshi TTb KOP labaratoriya xizmati**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Qarshi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 12.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qarshi tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**A.M.Homidov**
12.12.2022

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 197998 на приобретение КОП лабаратория хизмати

Способ проведения электронный

Дата 02.12.2022

Время рассмотрения 02.12.2022 15:30

Закупочная комиссия Карши туман Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TOJIYEV SODIQJON SAMATOVICH | Даволаш ишлари буйича муовун | Карши туман Тиббиёт бирлашмаси |
| **Секретарь комиссии** | HAMROYEV SHUXRAT XOLMURODOVICH | шартнома хисобчи | Карши ТТБ |
| **Член комиссии** | Казаков Улугбек Эгамбердиевич | Иктисодий ишлар буйича бошлик уринбосари | Карши ТТБ |
| **Член комиссии** | SATTAROV AKMAL BEGMURODOVICH | Гл.Инженер | Карши туман Тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | JO‘RAYEVA DILDORA XAMZAYEVNA | Зам главного бухгалтера | Карши туман тиббиет бирлашмаси |
| **Член комиссии** | PRIMOV JASURBEK YUNUS O‘G‘LI | хисобчи | Карши туман ТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.12.2022 года № лота 197998.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по лабораторному анализу** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по лабораторному анализу |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 69 162 900.00 |
| Стартовая сумма | 69 162 900.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лаборатория ахборот тизимидан фойдаланиш ёки мавжуд ахборот тизими (дастурий таъминот)ни оптимизация қилиш.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ахборот тизими (дастурий таъминот) бўйича экрандан олинган расмлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 10 | расм | 9 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 10 | 10 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 Юридик шахснинг иш тажрибаси ва фаолияти юзасидан Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муносабати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кўрсатма хат, буйруқ ёки бошқа ҳужжатлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 15 | кафолат | 10 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Юридик шахснинг молиявий барқарорлиги (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги)

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартномалар, сертификат ва бошқа тасдиқловчи хужжатлари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 10 | баркарор | 6 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Юридик шахс рахбарияти таркибида олий маълумотли ходимларнинг мавжудлиги юридик шахсда қуйидаги йуналишдаги олий маълумотли ходимлардан бирининг мавжудлиги (лабаратория врачи)

Тип: Текстовое значение

Описание: Диплом, сертификат ва бошқа тасдиқловчи хужжатлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 15 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Республика Президентининг 2022 йил 28-апрель кунидаги 35-сонли йиғилиш баёнининг 137-бандига асосан, вилоят ҳудудида фаолият юритаётган маҳаллий юридик шахс эканлиги ва камида 20 нафар малакали ходим ишга қабул қилинганлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Даромад солиғи ва пенсия тўловлари ҳақидаги маълумотлар, меҳнат шартномалари ва фуқаролик-хуқуқий келишувлар.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 15 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №6 Лаборатория диагностика фаолияти буйича камида бир неча йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома, лицензия нусхаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 10 | умумий маълумот | 8 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №7 Тендирда кўрсатиб ўтилган ускуналарни техник қуллаб-қувватлаш имкониятининг мавжудлиги. Бу тегишли сертификатлар билан хужжатлаштирилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ускуна етказиб берувчилар билан тузилган хизмат кўрсатиш шартномалари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 10 | мавжуд | 8 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 Юридик шахснинг тендерда курсатилгаи 2020/2021/2022 йилдаги лаборатория тахлилларининг ташқи сифат назоратидан муваффақиятли ўтганлиги, Халкаро даражада лаборатория хизматларини кўрсатиш тажрибасига эга бўлиш (ҳалқаро сертификатни мавжудлиги)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташқи сифат назорат сертификати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| New Nano MCHJ | 15 | малака етарли | 5 | Экспертная | | |
| ЧП MUROD MED STAR | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП** MUROD MED STAR | 69 162 900.00 | 68 700 000.00 UZS | 68 700 000.00 | 00.00 | 68 700 000.00 | 29.11.2022 11:50:08 | 100 |
| New Nano MCHJ | 69 162 900.00 | 68 960 000.00 UZS | 68 960 000.00 | 00.00 | 68 960 000.00 | 28.11.2022 11:45:11 | 99.62297 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ЧП** MUROD MED STAR | Прошел | 100 | 100 |
| New Nano MCHJ | Прошел | 99.62297 | 99.62297 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 197998 от 02.12.2022 года на приобретение КОП лабаратория хизмати определила победителем:

ЧП MUROD MED STAR
303066484

и резервный исполнитель: New Nano MCHJ (307541019)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TOJIYEV SODIQJON SAMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | Казаков Улугбек Эгамбердиевич | Согласен | |
| **Член комиссии** | SATTAROV AKMAL BEGMURODOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | JOʻRAYEVA DILDORA XAMZAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | PRIMOV JASURBEK YUNUS OʻGʻLI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП